

## ТАСДИҚЛАЙМАН

Тошкент вилояти хокимлиги  
хузуридаги Ягона буюртмачи  
хизмати инжинеринг компанияси  
раҳбари в.б.



Э.Абдувалиев

» \_\_\_\_\_ 2022 й.

**Тошкент вилояти Бўка тумани А.Қодирий ва Ўзбекистон  
кўчаларининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва  
ободонлаштириш (велосипед ва пиёдалар йулаги) замонавий  
архитектура ва шаҳарсозлик талаблари асосида  
лойихалаштириш учун.**

**НАМУНАВИЙ  
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

Тошкент 2022 йил

Асосий маълумотлар ва талаблар номи	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
Буюртмачи	Тошкент вилояти хокимлиги хузуридаги Ягона буюртмачи хизмати инженеринг компанияси
Бош лойиҳачи	
Бош пудратчи	Танлов асосида аниқланади
Лойиҳалаш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январдаги ПҚ-98-сонли қарори
Қурилиш тури	Реконструкция
Объектнинг жойлашган ўрни	Бўка тумани
Лойиҳалаштириш босқичи	Бир босқичда (ЛСХ) амалга оширилади
Лойиҳалашнинг алоҳида шарт-шароитлари	<p>Лойиҳада Туман марказлари ва шаҳарларнинг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш доирасида пиёдалар йўлакчаси ҳамда велосипед йўлакчасини қуриш, кўчани ҳамда пиёдалар йўлакчасини ёритиш тизимларини ўрнатиш, пиёдалар йўлакчасига ҳар хил шаклда декортив светодиодли аркалар ўрнатиш иш турлари кўзда тутилиши зарур.</p> <p>Лойиҳа ишларини бажаришда халқ хўжалигида амалда тутган ўрнини ҳисобга олиш ва техник-иқтисодий талабларга жавоб берадиган лойиҳа ечимларини қабул қилиш талаб қилинади.</p>
Бажарилаётган иш турлари ўлчамлари	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Соғломлаштириш йўлаги эни 2,7-3,0 метр</li> <li>- Велосепед йўлаги эни 1,2-1,4 метр</li> <li>- Пиёдалар йўлаги эни 1,5-1,6 метр</li> <li>- Велосепед йўлаги ва Пиёдалар йўлаги орасида бир қатор брусчатка билан ажратиш (30 см).</li> <li>- Соғломлаштириш йўлаги қалинлиги h- 10-15см</li> <li>- Бетон маркаси 250-300</li> <li>- Ёритиш чироқлари 15-25 метр</li> <li>- Ўриндиклар ва чиқинди ташлаш кутиси (урна) 250 метр</li> <li>- Умумий йўлакда Workout 1 та</li> </ul>
Соғломлаштириш йўлаклари чизмалари ҳамда йўлак ранги умумстандарт нормалар асосида	<ul style="list-style-type: none"> <li>- Велосепед чизмалари ҳар 25 метрда қолип асосида тушириш</li> <li>- Велосепед йўлак ранги код “Rall orange”</li> <li>- Пиёдалар йўлаги қулранг бетон код “ ”</li> </ul>
Қурилиш ишларини бажариш муддати	2022 йил
Лойиҳаланаётган объектнинг асосий кўрсаткичлари	Пиёдалар йўлаклари, велосипед йўлаклари, ёритиш тизими, ирригация лотоклари ўрнатиш ишлари лойиҳалаштириш жараёнида аниқланади.
Лойиҳалаштириш учун бошланғич маълумотлар	<p>Техник топшириқ, муҳандислик - геологик қидирув материаллари, харитавий (топографик) маълумотлар, муҳандислик тармоқларга уланиш учун техник шартлар асосида лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилсин.</p> <p>Асосий қурилиш материаллари ва конструкцияларининг сифати, олиш манбалари, транспортда ташиш шароитлари, темирбетон конструкциялари, деталлар ва маҳсулотларни тайёрловчи завод ва базалар, олиб боровчи ва юк тушириш йўллари. йўл қоришмаларини тайёрловчи қорхоналар омборлари ва йўл қурилиш материаллари қарьерларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар, лойиҳанинг смета ҳужжатларида ҳисобга олиниши керак бўлган устама харажатлар, имтиёзлар миқдори, иш ҳажми, қўшимчалар ёки</p>

	бошқа харажатларга коэффициентлар амалдаги шахарсозлик меъёрлари асосида ўрнатилган тартибда қабул қилинсин.
<b>Лойиҳаларни ишлаб чиқишни тугатиш муддати</b>	Шартномага асосан.
<b>Йўл ва автотранспорт хизмати бино ва иншоотлар жойлашув зарурияти</b>	ШНҚ 2.05.02-07 ва ШНҚ 2.07.01-03 талаблари асосида.
<b>Техник жараёнлар, жиҳоз ва ускуналарга талаблар</b>	Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган энерготежамли муҳандислик ва технологик-асбоб ускуналар буюртмачи билан келишилган ҳолда лойиҳа-смета ҳужжатларига киритилсин.
<b>Муҳандислик изланишларни ишлаб чиқишга талаблар</b>	Муҳандислик - геологик қидирув материаллари, харитавий (топографик) маълумотлар, диагностика, муҳандислик тармоқларга уланиш учун техник шартларни олиш лойиҳачи томонидан бажарилади
<b>Лойиҳалашда эришиш зарур бўлган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар</b>	Йўлнинг техник-фойдаланиш кўрсаткичларини зарурият ва меъерий талаблардан келиб чиқиб, такомиллаштириш кўзда тутилиши лозим (ўтказиш қобилияти, ҳаракат хавфсизлиги, ёритилганлик даражаси ва бошқалар).
<b>Капитал қўйилмаларнинг мулжалланаётган ҳажми ва молиялаштириш манбалари</b>	Республика бюджети хисобидан
<b>Энергия самарадорликни таъминлаш учун қабул қилинган лойиҳа ечимлар бўйича талаблар</b>	Энергия ресурсларини тежамкорлигини ошириш мақсадида замонавий технологик ускуналар ва ўлчагич асбоблари, Ўзбекистон Республикасида рухсат берилган рўйхат асосида қабул қилинсин ва ЛСХга киритилсин.
<b>Қурилишнинг алоҳида шарт-шароитлари</b>	Сейсмиклик даражаси–ҚМҚ 2.01.03-96 га биноан қабул қилинади.
<b>Стандартларга риоя қилиш талаблари</b>	Норматив ҳужжатлар асосида
<b>Топшириш – қабул қилиш тартиби</b>	Ишчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ушбу техник топширик талабларига биноан ҳамда давлат экспертизасидан ижобий хулоса олингандан сўнг 3 нусхада тасдиқланган ҳолда, шунингдек смета ҳужжати электрон шаклда СД-дискда қабул қилинади. Ишчи лойиҳа-смета ҳужжатлари амалдаги стандартлар бўйича расмийлаштирилган ва тегишли ташкилотлар билан келишилган бўлиши керак.

Лойиҳа ҳужжатларини келишилиши:

- Туман шаҳар ҳокимликлари билан
- Туман ободонлаштириш бошқармаси билан
- Туман қурилиш бош бошқармаси билан
- Туман автомобил йўллари бошқармаси билан
- Туман электр тармоқлари корхонаси билан

Буюртмачи вакили \_\_\_\_\_

(лавозими, имзо, Ф.И.Ш)